

**ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ, ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ, САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.ҒМ/Т.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДАЛИЕВ ШАХРУХ ХОЖАКБАРОВИЧ**

**КРЕМНИЙЛИ СТРУКТУРАЛАРНИНГ ЭЛЕКТРОФИЗИК  
ХУСУСИЯТЛАРИГА Zr, Ti ВА Hf КИРИШМАЛАРИНИНГ  
ТАЪСИРИ**

**01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017**

**Физика-математика фанлари фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по физико-математическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on physical-mathematical sciences**

<b>Далиев Шахрух Хожакбарович</b> Кремнийли структураларнинг электрофизик хусусиятларига Zr, Ti ва Hf кириндиларининг таъсири	3
<b>Далиев Шахрух Хожакбарович</b> Влияние примесей Zr, Ti и Hf на электрофизические свойства кремниевых структур	21
<b>Daliev Shakhrukh Khojakbarovich</b> The influence of impurities in Zr, Ti and Hf on electrophysical properties of silicon structures	39
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works	44

**ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ, ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ, САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.ҒМ/Т.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДАЛИЕВ ШАХРУХ ХОЖАКБАРОВИЧ**

**КРЕМНИЙЛИ СТРУКТУРАЛАРНИНГ ЭЛЕКТРОФИЗИК  
ХУСУСИЯТЛАРИГА Zr, Ti ВА Hf КИРИШМАЛАРИНИНГ  
ТАЪСИРИ**

**01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017**

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2. PhD/FM33 рақам билан рўйхатга олинган**

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://fti-kengash.uz>) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Мамадалимов Абдугафур Тишабаевич**  
физика-математика фанлари доктори, академик

**Расмий оппонентлар:**

**Камалов Амангелди Базарбаевич**  
физика-математика фанлари доктори

**Зикриллаев Нурулла Фатхуллаевич**  
физика-математика фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Наманган давлат университети**

Диссертация ҳимояси Физика-техника институти, Ион-плазма ва лазер технологиялари институти, Самарқанд давлат университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.FM/T.34.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Бодомзор йўли кўчаси, 26-уй. Тел./факс: (99871) 235-42-91, e-mail: [lutr@uzsci.net](mailto:lutr@uzsci.net), Физика-техника институти мажлислар зали).

Диссертация билан Физика-техника институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Бодомзор йўли кўчаси, 26-уй. Тел./факс: (99871) 235-42-91.

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.

(2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**С.Л. Лутпуллаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

**А.В. Каримов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д., профессор

**С.А. Бахрамов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг зарурати ва долзарблиги.** Бугунги кунда жаҳонда қийин эрийдиган киришмаларни кремнийли структураларнинг электрофизик хусусиятларига таъсирини ва кремний асосидаги металл-диэлектрик-яримўтказгичли (МДЯ)-структураларнинг ташқи муҳит ҳамда радиацион нурланишларга чидамлилигини ошириш усуллари ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бунда тез ривожланаётган микро- ва оптоэлектрон яримўтказгичлар соҳасида яримўтказгичларда нуқсонлар марказларини ҳосил қилувчи киришмалар хусусиятларини тадқиқ этиш орқали наноструктурали қурилмалар яратиш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Мустақиллик йилларида амалий татбиққа эга бўлган долзарб илмий йўналишларга сезиларли даражада эътибор кучайтирилди, хусусан, физика соҳасида наноэлектроника қурилмалари учун яримўтказгичли материалларни ҳамда кўпқатламли структураларни олиш ва уларни чуқур сатҳли киришмалар билан легирлаш усуллари такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Кремний ва кремний структураларида кечувчи физик жараёнлар параметрлари барқарорлигини муқобиллаштириш усуллари такомиллаштиришда сезиларли натижаларга эришилди. Кремнийли структураларга ўтиш ва ноёб ер элементлар киришмаларини киритиш йўли билан уларнинг фотосезгирлиги янада оширилди, қатор киришмаларнинг энергетик спектрларини аниқлаш усуллари ишлаб чиқилди. Шу билан бир қаторда яримўтказгичлар ва яримўтказгичли структураларни ўрганиш бўйича кремнийнинг ва унинг асосидаги кўпқатламли структураларнинг босим, радиация ва қуёш нури каби ташқи таъсирларга муносабатини башорат қилиб берувчи физик асосларини яратишни тақозо этмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясига кўра, илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш, шу жихатдан яримўтказгичлар физикаси соҳасида ташқи таъсирларга чидамли кремний ва унинг асосидаги кўпқатламли структураларни олиш муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда жаҳонда замонавий электрониканинг базавий элементлари ҳисобланган металл-диэлектрик-яримўтказгич структуралар асосидаги микросхемалар ишчи параметрларининг барқарорлигини оширишга катта аҳамият берилмоқда. Жумладан қийин эрувчан элементлар билан легирланган яримўтказгичларнинг электрофизик хоссаларини ва киришмалар ҳосил қилган чуқур сатҳлари идентификациясини (қайд этишни) ўрганиш, қийин эрувчи элементлар (ҚЭЭ) атомларининг кремнийда термик ва радиацион нуқсонлар ҳосил бўлиши жараёнига таъсирини татқиқ этиш, ҚЭЭ атомларининг бошқариб бўлмайдиган технологик аралашмалар билан ҳамда

киришма атомлари ва яримўтказгичли структура нуқсонларининг ўзаро таъсирини аниқлаш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сон «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4997-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини келгусида амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисида» ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789–сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори ва ва ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Физика, астрономия, энергетика ва машинасозлик» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Шу кунга қадар олимлар ва ишлаб чиқарувчиларнинг эътибори кремнийда ва кремний структураларида кечувчи физик жараёнлар, шунингдек уларнинг параметрлари барқарорлигини муқобиллаштириш усулларини ишлаб чиқишга қаратилган, АҚШ ва Япония олимлари А.Милнес, D.J.Struthers, E.R.Weber, Y.Tokumari лар томонидан фотосезгирликни ошириш учун кремнийнинг чегаравий қатламларида ноанъанавий аралашмалар (Ti, Ni, Gd, Sm ва б.) билан кичик концентрацияларда, кейинчалик уни термик оксидлаш ва (Al,Cu,W) металл электродларини жойлаштириш билан, легирлаш жараёни ишлатилган.

Россиялик олимлар А.А.Лебедев, Л.С.Берман, В.И.Фистуллар томонидан кремнийда ҳар хил чуқур сатҳли аралашмаларнинг ҳолати ўрганилган ва ушбу сатҳларнинг энергетик спектрлари аниқланган. Академиклар М.С.Саидов, Р.А.Муминов, А.Т.Мамадалимов ва бошқа Ўзбекистонлик олимлар ҳам яримўтказгичлар ва яримўтказгичли структуралардаги локал марказлар физикасини ривожлантиришга қаратилган илмий изланишларда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганлар. Компенсацияловчи киришмалар билан легирланган яримўказгичларнинг хоссалари М.К.Бахадирханов ва С.З.Зайнабидиновлар томонидан ўрганилган.

К.П.Абдурахмонов ва бошқалар томонидан ҳар хил киришмалар билан легирланган кремнийдаги дефект ҳосил бўлиш жараёнлари ўрганилган ва қатор киришмаларнинг энергетик спектрлари аниқланган. С.И.Власов томонидан кремний структураларининг фазалараро чегараларида юз берувчи физик жараёнлар ўрганилиб, бўлинишнинг яширин чегараси хоссаларини яримўтказгич ва диэлектрикнинг ҳажмий хоссаларидан фарқловчи асосий фактор, яримўтказгичнинг таъқиқланган соҳасидаги энергетик сатҳларни ҳосил қилувчи сиртий электрон ҳолатларнинг борлиги исботлаб берилган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Ўзбекистон Миллий университетининг ФМ-2-038 рақамли «Қийин эрувчи элементлар билан легирланган, кремний асосидаги, металл-диэлектрик-яримўтказгич типигаги кўпқатламли структураларнинг бўлиниш чегарасидаги ва ҳажмидаги физик жараёнларни тадқиқ қилиш» (2007-2008 йй.); ОТ–Ф2-081 рақамли «Кремнийнинг аралашмали-нуқсонли ассоциат монокристалларида нуқсон ҳосил бўлиши қонуниятларини ва яримўтказгич-диэлектрик бўлиниш чегараларида яширин чегаралар пайдо бўлишининг динамик жараёнларини ўрганиш» (2007–2011 йй.); ЁФ-2-08 рақамли «Ноёб ер элементлар киридилари билан легирланган кремний ва кремнийли кўпқатламли структуралардаги нуқсон ҳосил бўлишига ва термик ишловига радиациянинг таъсирини ўрганиш» (2010-2011 йй.) ва ЁФ-2-13 рақамли «Кремний структураларининг электрофизик хоссаларига титан кичик гуруҳи киридиларининг таъсирини ўрганиш» (2016-2017 йй.) мавзусидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** сиғимли спектроскопия ёрдамида қийин эрувчи Zr, Ti ва Hf атомлари билан легирланган кремнийнинг электрофизик хоссалари ва ушбу элементлар атомларининг кремний таркибидаги аралашмалар билан ўзаро таъсирини, ҳамда кремний асосидаги металл-диэлектрик-яримўтказгич (МДЯ) структураларнинг хоссаларига таъсирини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

қийин эрувчи элементлар – Zr, Ti ва Hf билан легирланган кремний намуналарининг электрофизик хоссаларини диффузион йўл ва эритмадан ўстириш жараёнида тадқиқ қилиш;

Zr, Ti ва Hf киришмалари ҳосил қиладиган чуқур сатҳларни идентификация қилиш ва уларнинг энергетик спектрларини аниқлаш;

қийин эрувчи элементлар атомларининг кремнийдаги термик нуқсонлар ҳосил бўлиши жараёнларига таъсирини ўрганиш;

Zr, Ti ва Hf атомларининг  $^{60}\text{Co}$   $\gamma$ -квантлари билан нурлантирилган кремнийдаги радиацион нуқсонлар ҳосил бўлишига таъсирини ўрганиш;

қийин эрувчи элементлар атомларининг кремнийдаги технологик киришмалари - кислород ва углерод билан, шунингдек, қўшимча киритилган электрофаол ва электронейтрал киришмалари билан ўзаро таъсирини тадқиқ қилиш;

қийин эрувчи элементлар атомларининг металл-диэлектрик-яримўтказгич типигаги кремнийли структуралари параметрларига таъсирини ўрганиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Zr, Ti ва Hf билан легирланган Si, МДЯ-структуралардан иборат.

**Тадқиқотнинг предмети:** Zr, Ti ва Hf билан легирланган кремнийнинг DLTS ва ФС спектрлари; қийин эрувчи элементлар киришмаларининг назорат қилинмайдиган киришмалар билан ўзаро таъсирлари; шунингдек,

МДЯ-структураларда қийин эрувчи элементлар киришдилари билан кечадиган физик жараёнлардан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотларни амалга оширишда ностационар сигимли чуқур сатҳлар спектроскопияси (DLTS), фотосигими (ФС) ва инфрақизил (ИК) ютилиши усуллари қўлланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

кремнийда Zr, Ti ва Hf атомлари сатҳларининг ҳосил қилиш самарадорлиги технологик режимга (ҳарорат ва диффузия вақти, шунингдек, намуналарнинг диффузиядан кейинги совутиш тезлиги) боғлиқлиги аниқланган;

қийин эрувчи элементлар киришмалари билан ўстириш жараёнида легирланган кремнийда чуқур сатҳлар ҳосил бўлмаслиги, лекин  $1000\div 1250^\circ\text{C}$  даража оралиғидаги ҳароратли қайта ишлов натижасида Zr, Ti ва Hf атомларининг фаоллашуви ва чуқур сатҳларнинг ҳосил бўлиши кўрсатилган;

қийин эрувчи элементлар киришмаларининг диффузион киритиш жараёнида термик ва радиацион нуқсонларнинг камайиши ва кремний параметрларининг барқарорлашуви исботланган;

кремний панжарасида нодир ер элементлари (лантан ёки эрбий) киришмаларининг мавжудлиги, қўшимча киритилган Zr, Ti ва Hf билан боғлиқ чуқур сатҳлар ҳосил бўлиш самарадорлигини ошириши илк бор кўрсатилган;

металл-диэлектрик-яримўтказгич структураларнинг кремний таглиги ҳажмидаги Zr, Ti ва Hf киришмалар таъсирида юқори частотали вольт-фарада характеристикаларининг назорат намуналарига нисбатан манфий томонга силжиши МДЯ-структураларни юза ҳолатларининг зичлиги ошишига ва Si-SiO<sub>2</sub> бўлиниш чегарасида мусбат заряд ҳосил бўлишига олиб келиши аниқланган;

қийин эрувчи элементлар киришмалари таъсирида кремнийли МДЯ-структураларнинг яримўтказгич соҳасининг таъқиқланган зонасининг кенглиги  $E_g$  бўйича юзавий ҳолатлари зичлигининг  $N_{ss}$  тақсимоти ўзгаришига олиб келиши кузатилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

кремнийли МДЯ-структураларни ҳажмини ва юзавий сатҳларини Zr, Ti ва Hf киришмалари билан легирлаш технологияси ва МДЯ-структуралар параметрларини қийин эрувчи элементлари киришмаларини киритиш йўли билан оптималлаштириш шартлари ишлаб чиқилган;

кремнийли МДЯ-структуралар параметрларининг термик барқарорлигини ва радиацион чидамлилигини қийин эрувчи элементлари киришмаларини киритиш йўли билан амалга ошириш усуллари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** юқори сезгирликка ва ажратиш қобилиятига эга бўлган тажрибавий услубларнинг қўлланилганлиги, шунингдек, турли усулларда олинган натижаларнинг яхши мос келиши билан асосланади.

### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ноёб элементлар киритилган яримўтказгичларнинг янги хусусиятларини тушунтириб бериш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, кремний параметрларининг термик барқарорлигини ва радиацион чидамлилигини қийин эрувчи элементлар киришмаларини киритиш йўли билан ошириш

бўйича олинган натижаларидан турли яримўтказгичли асбоблар ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш. Қийин эрувчи элементлари билан легирланган кремний ва кремнийли структураларда нуқсонлар ҳосил бўлиш жараёнларини ўрганиш асосида:

силицид титан-кремний тизими асосидаги ишчи соҳаси билан модифицирланган структурани ҳосил қилиш усули «FOTON» акционерлик жамиятида диод структурларига омик контакт олишда фойдаланилган («Ўзэлтехсаноат» акциядорлик компаниясининг 2017 йил 25 сентябрдаги 02-1953-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланиши кремний асосидаги диод структураларига кичик кетма-кет қаршиликли контакт соҳаларини олиш имконини берган;

кремнийли МДЯ-структуралари ҳажмини ва юзавий қатламларини қийин эрувчи элементлар (Zr, Ti ва Hf) киришмалари билан легирлаш технологияси ёрдамида олинган натижалар ФА-ФЗ-Ф003 рақамли «Компенсирланган кремний датчиги асосида озик-овқат сақланадиган омбор температурасини ва намлигини узоқ масофадан назорат қилиб турадиган қурилмани яратиш» ва А-3-57 рақамли «Наноструктурали кремний датчик асосида турли хил объектларда ҳарорат ва намликни назорат қилувчи микропроцессорли асбобни ишлаб чиқиш» мавзусидаги лойиҳаларда ҳарорат ва намликни назорат қилувчи қурилма яратишда ишлатилган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 20 сентябрдаги ФТА-01-02/691-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш компенсирланган кремний асосидаги датчиклар параметрларининг иссиқликка бардошлилигини ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация ишининг асосий натижалари 10 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 33 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 37 та расм ва 3 та жадвални ўз ичига олган ҳолда 128 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯ ИШИНING АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация иши мавзусининг долзарблиги асослаб берилган, ишнинг мақсад ва вазибалари баён қилинган, ишнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти кўрсатилган ҳамда химояга олиб чиқиладиган асосий қоидалар келтирилган.

Биринчи **“Кремнийда ва кремнийли структураларда нуқсон ҳосил бўлиш жараёнларининг хусусиятларини таҳлил қилиш”** номли бобда қийин эрувчи ва нодир ер элементлари киришмалари бўлган кремнийнинг электрофизик хусусиятларини тадқиқ қилиш бўйича ишларнинг натижалари келтирилган. Қийин эрувчи элементлар билан легирланган кремний хусусиятларининг ўстириш жараёнларидаги таҳлили ҳам, диффузион усулдаги таҳлили ҳам келтирилган. Қийин эрувчи элементлар билан легирланган кремнийнинг хусусиятларига кислород ва углерод каби технологик кириндиларнинг таъсири қараб чиқилган. Қийин эрувчи элементлар ва нодир ер элементлари кириндиларига эга кремнийга термоишлов бериш ва нурлантиришни унинг электрофизик хусусиятларига таъсири, шунингдек турли миқдордаги кислородга эга бўлган кремнийда структуравий нуқсонларни тадқиқ қилиш бўйича маълумотлар таҳлил қилинган.

Металл-диэлектрик-яримўтказгич типидagi кремнийли структуралар ва Шоттки диодларидаги турлича нуқсонларнинг ҳолатини ўрганиш бўйича ишларнинг таҳлили келтирилган, шунингдек яримўтказгичлар ва яримўтказгич структуралардаги нуқсонларнинг сиғим спектроскопияси хусусиятлари тавсифланган. Р-п ўтишнинг сиғими ҳамда чуқур сатҳларни температуранинг ўзгариши билан қайта зарядланиши қараб чиқилган ҳамда ўзгармас сиғим режимидаги DLTS усулнинг моҳияти баён қилинган бўлиб, у  $t_f$  давомийликка ва  $U_f$  амплитудали тўлдириш импульсининг тугаганидан кейинги вақтнинг  $t_1$  ва  $t_2$  вақтларида структурадаги кучланишлар фарқининг температуравий боғланишини ўлчашдан иборатдир.

Кремнийдаги кислород ва углероднинг концентрациясини аниқлаш учун икки нурли схемада спектрнинг 1200 дан 400  $\text{см}^{-1}$  инфрақизил (ИК) - соҳасида ишлайдиган SPECORD – 72-IR инфрақизил спектрофотометри ёрдамида ИҚ-ютилиш спектрларини ўлчаш методикаси баён қилинган.


Бобнинг сўнгида диод структураларнинг тайёрлаш ва уларга термик ишлов беришни ўтказишнинг технологияси батафсил тавсифланган. Кремнийни Zr, Ti ва Hf қийин эрувчи элементлар билан легирлаш технологияси батафсил баён қилинган.

**“Титан кичик гуруҳидаги кириндиларни кремнийнинг электрофизик хусусиятларига таъсири”** номли иккинчи бобда қийин эрувчи элементларнинг кремнийнинг хусусиятларига таъсирини тадқиқ қилишга бағишланган. Ушбу бобда Zr, Ti ва Hf - қийин эрувчи элементлар билан легирланган кремнийда нуқсон ҳосил бўлиш жараёнларини, шунингдек кремнийда гафний ва лантан мисолида нодир ер элементлари ва

технологик киришмалар атомларининг киришмалараро ўзаро таъсирини ўрганиш, кремнийдаги қийин эрувчи ва нодир ер элементларнинг хусусиятларига термик ишлов беришнинг таъсирини текширишнинг комплекс тадқиқотлари натижалари келтирилган.

Zr, Ti ва Hf киришмалари билан легирланган кремнийни 50 соат мобайнида  $1200^{\circ}\text{C}$  да диффузия усули билан легирлаш шуни кўрсатдики, барча тадқиқ қилинган диодларда вольт-фарад характеристикалардан (ВФХ) аниқланган  $1/C^2 = f(V_{\text{обр}})$  боғланишлар чизикли бўлиб, бу Zr, Ti ва Hf ларнинг яримўтказгич ҳажмида текис тақсимланганлигини кўрсатади.  $300\text{ K}$  да  $1/C^2 = f(V_{\text{обр}})$  дан аниқланган, ионлашган марказларнинг ҳажмий заряд қатламидаги концентрацияси n-турдаги кремнийдан тайёрланган диодларда ҳам, шунингдек Zr, Ti ва Hf киришмали p-турдаги кремнийдан тайёрланган диодларда ҳам дастлабки кремнийдаги акцепторлар концентрацияси билан мос келади.


Кремнийдаги нуқсонларнинг энергетик спектри титан мисолида кўриб чиқилган. DLTS спектридан келиб чиқадики, n-Si<Ti> намуналарида  $T_M=120\text{K}$  ва  $T_M=150\text{K}$  да максимумларга эга иккита чўкки (1-расм, 1- эгри чизик) кузатилади. DLTS спектрларини Аррениус боғланишида қайта ҳисоб-китоб қилиш чуқур сатҳларнинг бу чўкқиларнинг  $E_c-0.20\text{ эВ}$ ,  $E_c-0.27\text{ эВ}$  га тенг ионизация энергияси билан қайта зарядланиши билан боғлиқлигини кўрсатади. p-Si<Ti> намуналарида  $E_v+0.30\text{ эВ}$  га тенг ионизация энергиясига тенг ва  $\sigma_n=2.10^{-17}\text{ см}^2$  - кавакларнинг қамраб олиш кесимига эга фақат биттагина чуқур сатҳ аниқланди.



**1-расм. n-Si<Ti> (1) ва p-Si<Ti> (2) намуналарининг DLTS спектри**

Натижаларнинг таҳлили кўрсатадики,  $E_v+0.30\text{ эВ}$  чуқур сатҳларнинг ҳосил бўлиш самарадорлиги  $T_{\text{диф}}$  ва  $\vartheta_{\text{сов}}$  га боғлиқ. Шунингдек титан электрофаол атомларининг DLTS спектрларидан аниқланган концентрацияси

хам  $T_{\text{диф}}$  га боғлиқлиги аниқланди. Сигим спектроскопияси ва нейтрон-активацион таҳлил усули билан олинган маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, кремнийга диффузия йўли билан киритилган титан атомларининг ҳаммаси ҳам электр жихатидан фаолликни кўрсатмайди, Si ҳажмидаги титаннинг фақатгина 20% га яқини электрофаол бўлади. Титаннинг ўзини бундай тутиши кремнийдаги бошқа ўтиш элементларининг ўзини тутишига ўхшайди. Биз кремнийга ўстириш жараёнида ( $\text{Si}\langle\text{Ti}\rangle_{\text{ўст}}$ ) эритмадан киритилган Ti атомларининг ҳолатини ҳам ўргандик. Тадқиқ қилинган намуналар n-турдаги ўтказувчанликка ва  $\rho \approx 20\text{--}100$  Ом·см га эга эди.  $\text{Si}\langle\text{Ti}\rangle_{\text{ўст}}$  намуналарининг DLTS спектрларининг таҳлилидан аниқланган чуқур сатҳларнинг параметрлари диффузион-легирланган n- $\text{Si}\langle\text{Ti}\rangle_{\text{диф}}$  намуналаридаги чуқур сатҳларнинг параметрларига ўхшашлиги аниқланди. Фотосигим (ФС) спектрларининг ўлчашларидан n- $\text{Si}\langle\text{Ti}\rangle$  намуналаридаги титаннинг сатҳларини идентификацияси ўтказилди. n- $\text{Si}\langle\text{Ti}\rangle$  дан қилинган диоднинг типик фотосигим спектри (2-расм) турли катталиқдаги иккита поғонадан иборат. Бу титаннинг  $E_c - 0.20$  эВ,  $E_c - 0.27$  эВ га тенг фиксирланган ионизация энергиясига эга иккита чуқур сатҳнинг ҳосил қилишини кўрсатади




2-расм. n- $\text{Si}\langle\text{Ti}\rangle$  асосидаги диодларнинг ФС ва ИФС спектрлари

ва  $h\nu > 0.6$  эВ соҳада сигимнинг охиста ортиши рўй беради. Худди шундай термик ишловдан ўтган n-Si (Ti сиз) назорат намуналарида фақат термик ишлов нуқсонлари учун характерли бўлган  $E_c - 0.20$  эВ сатҳлар топилди, уларнинг концентрацияси  $N_{\text{гy}} = 10^{12}$  см<sup>3</sup> тартибда эди.

Чуқур марказларнинг ҳосил бўлиш жараёнлари гафний билан диффузион-легирланган намуналарда ҳам ўрганилди. 3-расмда n- $\text{Si}\langle\text{Hf}\rangle$  намуналарининг типик DLTS спектрлари келтирилган.

DLTS спектрларини ҳисоб-китоб қилиш шуни кўрсатадики, n- $\text{Si}\langle\text{Hf}\rangle$  намуналарида  $E_c - 0.20$  эВ ва  $E_c - 0.28$  эВ га тенг ионизация энергиясига эга иккита чуқур сатҳ ҳосил бўлади. p- $\text{Si}\langle\text{Hf}\rangle$  намуналарида  $E_v + 0.35$  эВ га тенг

ионизация энергиясига эга битта чуқур сатҳ аниқланди. DLTS спектрларининг таҳлили  $E_c-0.28$  эВ ва  $E_v+0.35$  эВ га тенг ионизация энергиясига эга иккита чўққи кремнийдаги Hf атомлари билан боғлиқлигини кўрсатди. Фотосиғим спектрларида  $E_c-0.20$  эВ ва  $E_c-0.26$  эВ га тенг ионизация энергиясига эга иккита чўққи, индуцирланган фотосиғим спектрларида эса  $E_v+0.34$  эВ га тенг ионизация энергиясига эга фақат битта чўққи кузатилади. n-Si<Hf> ва p-Si<Hf> спектрлари 4-расмда келтирилган.




**3-расм. n-Si<Hf> (1), p-Si<Hf> (2) ва n-Si (назорат) намуналарининг DLTS спектрлари.**

Маълумотларни таҳлил қилиш ва таққослаш Si ҳажмида Hf атомларининг мавжудлиги термо ишлов бериш билан боғлиқ  $E_c-0.20$  эВ га тенг чуқур сатҳлар концентрациясининг камайишига олиб келишини кўрсатади. Кремний ҳажмида гафний атомларининг мавжудлиги, кремнийда нодир ер элементларининг мавжудлиги каби термик нуқсон ҳосил бўлиш самарадорлигининг пасайишига олиб келади: n-Si<Hf> да термик ишлов берилган n-Si назорат намунасидагига қараганда  $E_c-0.20$  эВ га тенг чуқур сатҳларнинг концентрацияси анчагина кам.

Гафний атомлари кремнийга ўстириш жараёнида киритилган намуналар ҳам тадқиқ қилинди. n-Si<Hf> намуналари DLTS спектрларининг ўзгариши бирор бир чуқур сатҳ концентрацияси, гарчи нейтрон-активацион таҳлил маълумотларига кўра Hf атомларининг миқдори етарлича катта  $\sim 2 \cdot 10^{16} \div 5 \cdot 10^{18} \text{ см}^{-3}$  бўлишига қарамай, сезиларли даражада ўзгариши кузатилмаганини кўрсатди. Демак, ўстиришда киритилган Hf атомлари Si ҳажмида электронейтрал ҳолатда бўлар экан. Тадқиқотлар уларни юқори ҳароратли ишловлар ёрдамида фаоллаштириш мумкинлигини кўрсатди. Бунда чуқур сатҳларнинг энергетик спектри Hf диффузион йўли билан легирланган намуналарникига ўхшаган бўлади.  $\text{Si<Hf>}_{\text{диф}}$  да чуқур сатҳнинг

Hf атомлари билан боғлиқ концентрацияси  $\text{Si}\langle\text{Hf}\rangle_{\text{уст.}}$  намуналардагига қараганда бир тартибга кўплигини таъкидлаб ўтамыз.



4-расм. n-Si<Hf> ФС (1) ва n-Si<Hf> ИФС (2) типик спектрлари

Кремнийда биз тадқиқ қилган яна бир қийин эрувчи элемент бўлиб цирконий ҳисобланади. Ушбу бобда кремнийга диффузия усули билан киритилган элементлардан бири – цирконий билан легирланган кремнийдаги нуқсонлар энергетик спектрини ўрганиш натижалари келтирилган. Тадқиқотлар фотосиғим ва чуқур сатҳларнинг ностационар сиғим спектроскопияси ёрдамида ўтказилди.


Тадқиқ қилинаётган намуна сифатида турлича солиштирма қаршиликка эга n- ва p-тип ўтказувчанликли монокристалл кремнийдан фойдаланилди. Кремнийни цирконий билан легирлаш махсус софликка эга Zr нинг пуркатилган қатламидан 1000÷1250<sup>0</sup>С температура оралиғида диффузион усулда амалга оширилди. Назорат намуналари сифатида Zr нинг кремнийга киритилишидаги вақт мобайнида ва юқори ҳароратда термо ишлов берилган n- ва p-Si намуналаридан фойдаланилди. Ўлчашлар натижаси барча n-Si намуналари цирконий билан легирлангандан кейин уларнинг солиштирма қаршилигининг катталиги ортишини кўрсатди. p-Si намуналарда эса, солиштирма қаршиликнинг қиймати деярли ўзгармасдан қолар экан.

Цирконий билан диффузион усулида легирланган Si намуналари, ҳамда назорат термоишлов берилган намуналарда DLTS ва фотосиғим спектрлари ўлчанди. 5- расмда цирконий билан 1000<sup>0</sup>С ва 1250<sup>0</sup>С температураларда легирланган ва ундан кейин сувга солиш йўли билан кескин равишда совутилган n-Si и p-Si намуналарининг DLTS спектрлари келтирилган. n-Si<Zr> ва p-Si<Zr> намуналарнинг ўлчанган DLTS спектрларининг таҳлили кремнийда цирконийнинг мавжудлиги ионизация энергиясининг  $E_c-0.22$  эВ,  $E_c-0.42$  эВ ва  $E_v+0.30$  эВ га тенг фиксирланган қийматларига эга учта чуқур сатҳнинг ҳосил бўлишига олиб келишини кўрсатади, уларнинг охири иккита

сатҳи катта қийматга эга бўлгани аниқланди. Цирконий атомлари билан боғлиқ чуқур марказларнинг ҳосил бўлиш самарадорлиги диффузия температурасининг ортиши ва диффузиядан кейинги совутиш тезлигининг ортиши билан ортиши аниқланди:  $T_{\text{диф}}$  ва  $v_{\text{сов}}$  қанчалик катта бўлса, цирконийнинг чуқур сатҳларининг концентрацияси шунчалик катта бўлади.

Фотосиғим спектрларининг ўлчаниши, текширилаётган намуналарда  $h\nu \sim 0.22, 0.42$  ва  $0.30$  эВ соҳада сиғимнинг релаксацияси кузатилишини кўрсатди. Бу эса кузатилаётган сатҳларнинг термик ва оптик ионизация энергиялари деярли мос тушишини англатади.

Термоишлов берилган n-Si назорат намуналарида DLTS ва ФС спектрларининг параллел равишда ўлчанишининг кўрсатишича, уларда фақат  $E_c-0.22$  эВ га тенг ионизация энергиясига эга битта сатҳ кузатилар экан, бунинг устига унинг концентрацияси цирконий билан легирланган намуналардагига қараганда бир тартибга юқори экан. Бу ердан шундай хулоса қилиш мумкинки, кремнийдаги цирконий атомлари билан фақат иккита охириги сатҳлар, айнан эса,  $E_c-0.42$  эВ ва  $E_v+0.30$  эВ энергияга тенг сатҳлар боғланган,  $E_c-0.22$  эВ сатҳ эса термоишлов беришнинг нуқсони ҳисобланади.




**5-расм. Zr билан легирланган n-Si ва p-Si нинг 1000°C (1,2) ва 1250°C (1a, 2a) даги ва Si-контроль намуна (3) DLTS спектрлари**

Паст температурали ишлов бериш (ПТИ) экспериментлари шуни кўрсатдики, 100 – 300°C температуралар оралиғида изотермик қиздириш  $E_c-0.42$  эВ ва  $E_v+0.30$  эВ га тенг чуқур сатҳлар концентрациясининг ортишига олиб келар экан,  $E_c-0.22$  эВ га тенг сатҳ эса ПТИ нинг таъсирига стабил бўлар экан.

**“Титан кичик гуруҳи киришмаларининг МДЯ-структуралар параметрларига таъсири эффектларини тадқиқ қилиш”** номли учинчи бобда МДЯ-структура параметрларига баъзи қийин эрувчи элементларнинг таъсири тадқиқотининг натижалари келтирилган.

МДЯ-структуралар параметрларига қийин эрувчи элементлар атомларининг таъсири титан мисолида батафсил кўриб чиқилган. Титан билан легирланган n-Si тагликдаги МДЯ-структураларда СС-DLTS ва ВФХ спектрларини ўлчашнинг натижалари келтирилган. Шунини таъкидлаб ўтамузика, ҳозиргача кремний тагликка киритилган Ti атомларининг МДЯ-структура параметрларига таъсири ҳақидаги бирор-бир маълумот йўқ. Шунинг учун мазкур ишда ушбу бўшлиқни тўлдиришга ҳамда титан киришмали кремнийли МДЯ-структураларнинг хусусиятларини батафсил тадқиқ қилишга ҳаракат қилинган.

Кремнийни титан билан легирлаш 1250 °С температурада 10 соат мобайнида Si сиртига пуркалган метал қатламидан диффузия қилиш ёрдамида амалга оширилди. Сўнгра юқорида кўрсатилганидек, МДЯ-структуралар тайёрланди. Si<Ti> асосида МДЯ-структураларнинг ВФХни ўлчаш, уларнинг назорат намуналарига қараганда манфий силжишлар томонига сурилганини кўрсатди. Бу эса кремнийга титанни киритилиши МДЯ-структура сиртий ҳолатларни зичлигининг ортишига ва Si-SiO<sub>2</sub> бўлиниш чегарасида мусбат зарядларнинг ҳосил бўлишига олиб келиши ҳақида гувоҳлик беради.




1-назорат намунаси, 2-Ti билан легирланган МДЯ-структура  
**6-расм. Титан билан легирланган МДЯ-структуранинг юқори частотали C-V-характеристикаси**

Si<Ti> асосидаги МДЯ-структураларда ва назорат МДЯ-структураларида (Ti киришмасисиз) СС-DLTS спектрларини ўлчаш легирланган намуналар спектрларида  $T_{\max} = 118$  К ва  $T_{\max} = 153$  К температураларда максимумга эга 2 та чўққининг кузатилишини, назорат намуналарида эса бундай чўққиларнинг топилмаганини кўрсатди (7-расм). Бу чўққилар билан боғлиқ нуқсон параметрларининг сонли ҳисоб-китоблари уларнинг аввал

титан билан легирланган Si да кузатганимиздек, тегишли чуқур сатх параметрларидан фарқ қилмаслигини кўрсатди. Дарҳақиқат,  $T = 118 \text{ K}$  да максимумга эга чўққи  $E_c - 0.20 \text{ эВ}$  га тенг ионизация энергиясига эга чуқур сатхга,  $T = 153 \text{ K}$  даги чўққи эса -  $\Gamma$ У  $E_c - 0.27 \text{ эВ}$  ли чуқур сатхга мос келади.

Титан киришмасига эга ва усиз кремнийли МДЯ-структураларда ярим-ўтказгичнинг тақиқланган соҳа кенлиги  $E_g$  бўйича сирт ҳолатлари зичлиги  $N_{ss}$  тақсимотининг ўзгариши келтирилган.  $N_{ss}$  нинг  $E_g$  га боғлиқлик тақсимотининг спектри типик U-симон характерга эга. Al-SiO<sub>2</sub>-n-Si<Ti> типдаги структуралар учун  $N_{ss}$  нинг кремнийнинг  $E_g$  бўйича тақсимоти тағлиқда титаннинг мавжудлиги  $N_{ss}$  нинг  $E_g$  бўйича тақсимотининг



1- Si<Ti> ва 2-назорат намунаси

### 7-расм. Si<Ti> асосидаги МДЯ-структуранинг СС-DLTS спектри

ўзгаришига олиб келишини ҳамда  $E_c - 0.20 \text{ эВ}$ ,  $E_c - 0.27 \text{ эВ}$  ва  $E_v + 0.30 \text{ эВ}$  га тенг қийматга эга энергиялар соҳасида учта яққол ифодаланган чўққиларнинг пайдо бўлишига олиб келишини кўрсатади. Тадқиқ қилинаётган МДЯ структураларда маълум киришмаларга эга ушбу нуқсонларнинг табиатини идентификациялаш учун оксид қатлами олиб ташланди ва уларда Шоттки барьерлари тайёрланди.

Олинган барьерларда СС-DLTS спектрларининг ўлчаниши барча намуналарда иккита чуқур сатхларнинг Si тақиқланган соҳасининг юқори ярмида ионизация энергияси  $E_c - 0.20 \text{ эВ}$  ва  $E_c - 0.27 \text{ эВ}$  га эга ҳолда қайта зарядланиши кузатилишини кўрсатди.

Шундай қилиб, МДЯ-структуранинг кремний тағлигида титан киришмасининг бўлиши  $N_{ss}$  нинг ортишига ва титан атомлари билан боғлиқ учта яққол ифодаланган чўққининг пайдо бўлишига олиб келар экан.

МДЯ-структура параметрларига гафний ва цирконий киришмаларининг таъсири ҳам кўриб чиқилган. n-Si<Hf> ва n-Si<Zr> асосидаги МДЯ-структура ВФХ нинг ўлчаниши, уларнинг назорат намуналарига қараганда манфий силжишлар томонига сурилганини кўрсатади. Бу эса Si га Hf ва Zr нинг киритилиши МДЯ-структура сиртий ҳолатлар зарядининг ортишига ва

Si-SiO<sub>2</sub> бўлиниш чегарасида мусбат зарядлар миқдорининг (назорат намуналарига нисбатан) ортишига олиб келишига шохидлик беради.


Si<Hf> асосидаги МДЯ-структуралар ва назорат МДЯ-структураларининг СС-DLTS спектрларини ўлчаш уларнинг спектрлари бирмунча фарқла-нишини кўрсатди, чунки Hf ни МДЯ-структуранинг кремний таглигига киритишда N<sub>ss</sub> ортади, DLTS спектрларида эса сезиларли концентрацияга эга бирор бир чўққининг топилмади.

Hf киришмали ва усиз кремнийли МДЯ-структураларнинг N<sub>ss</sub> сиртий ҳолатлар заряди тақсимотининг ярим ўтказгич тақиқланган соҳаси бўйича ўзгариши N<sub>ss</sub>(E<sub>g</sub>) тақсимот спектрининг типик U-симон характерга эга эканлигини кўрсатади.

**“Кремнийли структураларда титан кичик гуруҳи киришмалари-нинг термик ва радиацион нуқсон пайдо бўлиши жараёнларга таъсири”** номли тўртинчи бобда кремний ва кремнийли структураларга киритилган қийин эрувчи элементларнинг турли нуқсонларнинг пайдо бўлиш ва қиздириш жараёнларига таъсири бўйича тадқиқотнинг натижалари келтирилган. Кремнийли структураларда цирконий сатҳи паст тумпературали қиздирилишининг кинетикаси ўрганилган.

Вольт-фарад характеристикалар, DLTS ва ФС спектрларининг T=100 ÷ 400<sup>0</sup>C да ўлчашлари паст тумпературали ишлов бериш цирконий билан легирланган Si намуналарида кузатиладиган чуқур сатҳлар параметрлари-нинг сезиларли ўзгаришига олиб келмайди.

8-расмда (1-3 эгри чизиқлар) 200<sup>0</sup>C, 300<sup>0</sup>C ва 400<sup>0</sup>C да кейинчалик кескин совутиш билан паст тумпературали ишлов берилган n-Si<Zr> намуналар изотермик қиздирилишининг кинетикаси келтирилган. Олинган натижаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, паст тумпературали ишлов n-Si<Zr> да E<sub>c</sub>-0.42 эВ ва E<sub>v</sub>+0.30 эВ га тенг чуқур сатҳлар концентрация-сининг ўзгаришига олиб келади, қиздириш билан бу чуқур сатҳларнинг концентрацияси сезиларли даражада пасаяди. Паст тумпературали ишловнинг тумператураси ортиши билан кузатилаётган сатҳларнинг куйиб кетиши тезроқ бўлади.



ПТИ тумператураси, T<sup>0</sup>C: 1– 200, 2– 300, 3 – 400.

**8-расм. n-Si<Zr> намуналарининг изотермик куйиш кинетикаси**

Шундай қилиб, олинган натижалар таҳлили Si<Zr> намуналарига изохрон ҳамда изотермик паст температурали ишлов берилиши кремнийга цирконий атомларини диффузион усулида киритилган чуқур сатҳларнинг куйиб кетишига олиб келишини кўрсатади.

Аввалдан 1200 °C да 1 соат мобайнида, кейинчалик кескин совутиш билан ишлов берилган n-Si<Hf> намуналарга худди шундай ишлов бериш чуқур сатҳ энергетик спектрларини сезиларли даражада ўзгартиради. Юқори температурали ишлов n-Si<Hf>да  $E_c-0.36$  эВ га тенг янги чуқур сатҳларнинг ҳосил бўлишига олиб келиши аниқланди. 900 ÷ 1200 °C интервал оралиғида термик ишловдан ўтган намуналар DLTS спектрларининг таҳлили  $E_c-0.36$  эВ сатҳ ҳосил бўлишининг самарадорлиги ишлов бериш температураси ва юқори температурали ишловдан олдинги юзани тозалаш даражасига боғлиқлигини кўрсатди.

n-Si<Hf> намуналарида юқори температурали ишлов натижасида ҳосил бўлган  $E_c-0,36$  эВ га тенг сатҳнинг концентрацияси 1 соат давомида 250°C да паст температурали ишлов натижасида сезиларли даражада камаяди ва ишлов бериш давомийлигининг ортиши билан у тўлиғича куюди.

Олдиндан ўстириш жараёнида нодир ер элементлари (лантан ёки эрбий) билан легирланган кремнийга ва қўшимча равишда Zr, Ti ёки Hf киритиб экспериментал тадқиқотлар ўтказилди. Олинган натижаларга кўра, кремний панжарасида мавжуд ўстириш жараёнида нодир ер элементларга (лантан ёки эрбий) қўшимча равишда цирконий, титан ёки гафний атомларини киритиш орқали чуқур сатҳларнинг ҳосил бўлиш эффективлиги ошар экан. Шу билан бир қаторда Zr, Ti и Hf га тегишли чуқур сатҳларнинг термик стабиллиги ҳам ошар экан, шуни таъкидлаш лозимки, лантан ёки эрбий киришмалари бўлмаган намуналарда паст хароратли куйдириш 2-3 маротаба секин кечар экан.

Кремнийли МДЯ–структураларда Si-SiO<sub>2</sub> ўтиш қатламининг хусусиятларига γ-нурланишнинг таъсири тадқиқ қилинди. <sup>60</sup>Со гамма-квантлари билан МДЯ–структураларни нурлантириш дозасининг ортиши C-V-характеристикаларни манфий кучланишлар томонга силжишига олиб келади, бу эса Si-SiO<sub>2</sub> бўлиниш чегарасида радиацион нуқсонларнинг пайдо бўлиши ҳақида шохидлик беради. Нурланишнинг катта дозаларида кремнийнинг сиртида инверсиянинг стабил қатлами ҳосил бўлмайди, чунки сифим структуранинг майдоний электродида манфий силжишнинг ортиши билан камайиб боради.

## ХУЛОСА

Қийин эрувчи элементлари билан легирланган кремний ва кремнийли структураларда нуқсон ҳосил бўлиши жараёнларини ўрганиш асосида:

1. Биринчи марта Zr, Ti ва Hf киришмаларига эга кремний хусусиятларининг комплекс тадқиқоти натижасида кремнийга юқори хароратли диффузия йўли билан бундай киришмаларни киритиш бир қатор чуқур сатҳларнинг ҳосил бўлишига олиб келиши аниқланган.

2. Сиғим спектроскопияси ёрдамида биринчи марта кремнийда Zr, Ti ва Hf атомларининг улар кремнийга диффузион усули билан киритилганда ҳосил қиладиган чуқур сатҳларнинг энергетик спектри аниқланган ҳамда Si<Zr> да -  $E_c-0.22$  эВ,  $E_c-0.42$  эВ ва  $E_v+0.30$  эВ га тенг чуқур сатҳлар; Si<Ti> да -  $E_c-0.20$  эВ,  $E_c-0.27$  эВ,  $E_v+0.30$  эВга тенг чуқур сатҳлар; Si<Hf> да  $E_c-0.20$  эВ ва  $E_c-0.28$  эВ,  $E_v+0,35$  эВ га тенг чуқур сатҳлар ҳосил бўлиши кўрсатилган.

3. Кремнийдаги Zr, Ti ва Hf сатҳларининг технологик омилларга боғлиқ равишда ҳосил бўлиш самарадорлиги ўрганилган ва ушбу киришмалар сатҳларининг концентрацияси диффузия температурасининг ҳамда диффузиядан кейинги совутиш тезлигининг ортиши билан кўпайиши кўрсатилган.

4. Zr, Ti ва Hf ларни диффузион равишда кремнийга киритилиши термик нуқсонларнинг ҳосил бўлиш самарадорлигини 5-6 марта ва радиацион нуқсонларнинг ҳосил бўлиш самарадорлигини 3-4 марта пасайишига ва кремний параметрларининг стабиллашишига олиб келиши аниқланган.

5. Zr, Ti ва Hf лар билан ўстириш пайтида легирланган кремнийда чуқур сатҳлар кузатилмайди, аммо кейинги  $1000\div 1250^\circ\text{C}$  ли температура оралиғида юқори температурали ишлов бериш қийин эрувчи элементлар атомларининг фаоллашишига олиб келиши ва чуқур сатҳларнинг ҳосил бўлиши аниқланган.

6. Si панжарасида лантан ва эрбийнинг мавжудлиги кўшимча равишда киритилган цирконий, титан ва гафний билан боғлиқ чуқур сатҳларларнинг ҳосил бўлиш самарадорлигини орттириши биринчи марта топилган.

7. Zr, Ti ва Hf кириндиларнинг мавжудлиги кремнийли МДЯ - структураларнинг яримўтказгич соҳасининг таъқиқланган зонасининг кенлиги  $E_g$  бўйича юзавий ҳолатлари зичлигининг  $N_{ss}$  тақсимоти ўзгаришига олиб келиши аниқланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017. FM/T.34.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ФИЗИКО-ТЕХНИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ,  
ИНСТИТУТЕ ИОННО-ПЛАЗМЕННЫХ И ЛАЗЕРНЫХ И ТЕХНОЛО-  
ГИЙ, САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ  
НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА**

**ДАЛИЕВ ШАХРУХ ХОЖАКБАРОВИЧ**

**ВЛИЯНИЕ ПРИМЕСЕЙ Zr, Ti И Hf НА ЭЛЕКТРОФИЗИЧЕСКИЕ  
СВОЙСТВА КРЕМНИЕВЫХ СТРУКТУР**

**01.04.10 – физика полупроводников**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент-2017**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.1.PhD/FM33**

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана имени Мирзо Улугбека

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (fti-kengash.uz) и на Информационно-образовательном портале “ZiyoNet” (www.ziynet.uz).

**Научный руководитель:**

**Мамадалимов Абдугафур Тишабаевич**  
доктор физико-математических наук, академик

**Официальные оппоненты:**

**Камалов Амангелди Базарбаевич**  
доктор физико-математических наук, доцент

**Зикриллаев Нурулла Фатхуллаевич**  
доктор физико-математических наук, профессор

**Ведущая организация:**

**Наманганский государственный университет**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 года в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.FM./T.34.01 при Физико-техническом институте, институте Ионно-плазменных и лазерных технологий, Самаркандском государственном университете. (Адрес: 100084, г. Ташкент, ул. Бодомзор йули, дом 2б. Административное здание Физико-технического института, зал конференций. Тел./Факс: (99871) 235-30-41; e-mail: lutp@uzsci.net.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Физико-технического института (зарегистрирована за № \_\_\_\_). Адрес: 100084, г. Ташкент, ул. Бодомзор йули, дом 2б. Административное здание Физико-технического института, зал конференций. Тел./Факс: (99871) 235-30-41.

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 г.  
(протокол рассылки № \_\_\_\_ от \_\_\_\_\_ 2017 г.)

**С.Л.Лутпуллаев**

Председатель Научного совета по присуждению  
ученой степени доктора наук, д.ф.-м.н., профессор

**А.В.Каримов**

ученый секретарь Научного совета по присуждению  
ученой степени доктора наук д.ф.-м.н., профессор

**С.А. Бахрамов**

Председатель научного семинара при научном  
совете по присуждению ученых степеней,  
д.ф.-м.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** На сегодня в мире в области быстро развивающейся полупроводниковой микро- и оптоэлектроники одним из перспективных направлений является исследования свойств примесей, создающих различные дефектные центры в полупроводниках. В этом плане исследования направленные на изучение влияния тугоплавких примесей на электрофизические свойства кремниевых структур и разработке способов повышения термической стабильности и радиационной стойкости параметров кремниевых МДП-структур являются одними из основных задач.

В годы независимости учеными Узбекистана уделяется большое внимание изучению процессов легирования полупроводниковых материалов и многослойных структур примесями с глубокими уровнями (ГУ). Достигнуты определенные успехи в разработках по повышению фоточувствительности кремниевых структур путем введения примесей переходных и редкоземельных элементов. В соответствии со “Стратегией действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” является наиболее важным повышение эффективности отрасли микроэлектроники на основе теоретических и практических исследований в области физики полупроводников за счет внедрения инновационных технологий.

В мире на сегодня изучение взаимодействия между примесными частицами и дефектами структуры полупроводника, влияния гетерогенности строения МДП-структуры на перераспределение примесей открывает возможность повышения стабильности рабочих параметров микросхем на основе МДП-структур являющихся базовыми элементами современной электроники. В этом плане целевые научные исследования, в том числе в нижеприведенных направлениях: исследование электрофизических свойств полупроводников, легированных тугоплавкими элементами и идентификация глубоких уровней, создаваемых этими примесями; изучение влияния атомов ТПЭ на процессы термического и радиационного дефектообразования в кремнии; исследования взаимодействия атомов ТПЭ с неконтролируемыми технологическими примесями; изучение влияния атомов тугоплавких элементов на параметры различных кремниевых структур. Научные исследования проводимые в этом направлении указывают на актуальность темы данной диссертации.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП–1442 «О приоритетных направлениях развития индустрии Республики Узбекистан на 2011-2015 гг.» от 15 декабря 2010 года и ПП-2789 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организаций, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности» от 17 февраля 2017 года а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики.** Настоящая работа выполнена в соответствии с Приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан: Ф2 «Физика, астрономия, энергетика и машиностроение» и ППИ-3 «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение, транспорт, машино- и приборостроение, развитие современной электроники, микроэлектроники, фотоники и электронного приборостроения».

**Степень изученности проблемы.** До настоящего времени внимание ученых и разработчиков направлено на изучение физических процессов, происходящих в кремнии и кремниевых структурах, а также на разработку способов повышения стабильности их параметров, учеными из США и Японии Milnes A., Struthers D.J., Weber E.R., Tokumari Y. для повышения фоточувствительности использованы процессы легирования приграничных слоев кремния нетрадиционными примесями (Ti, Ni, Gd, Sm др.) в малых концентрациях с последующим его термическим окислением и нанесением металлических (Al, Cu, W) электродов.

Российскими учеными Лебедевым А.А., Берманом Л.С., Фистулем В.И. изучено поведение различных примесей с глубокими уровнями в кремнии и определены энергетические спектры этих уровней.

Определенный вклад в развитие физики локальных центров полупроводниках и полупроводниковых структурах внесли ученые Узбекистана, среди которых академики Саидов М.С., Муминов Р.А., Мамадалимов А.Т. и другие. Свойства легированных компенсирующими примесями полупроводников были изучены Бахадырхановым М.К., Зайнабидиновым С.З., ими обнаружены эффекты температурного и ИК-гашения в компенсированном кремнии, легированном глубокими примесями. Абдурахмановым К.П. и др. были изучены процессы дефектообразования в кремнии, легированном различными примесями и определен энергетический спектр ряда примесей. Власовым С.И. были исследованы физические процессы, протекающие на межфазных границах кремниевых структур и установлено, что основным фактором, определяющим отличие свойств скрытой границы раздела от свойств объема полупроводника и диэлектрика, является наличие поверхностных электронных состояний, создающих энергетические уровни в запрещенной зоне полупроводника.

Несмотря на большое число экспериментальных данных по изучению свойств полупроводников и полупроводниковых структур до настоящего времени отсутствует картина, позволяющая прогнозировать поведение кремния и многослойных структур на его основе при воздействии различных внешних факторов: давления, радиации и солнечного света.

**Связь диссертационной работы с тематическими планами НИР.** Диссертационная работа выполнена в Национальном университете Узбекистана в соответствии с тематическими планами грантов ЦНТ РУз ФМ-2-038 «Исследование физических процессов в объеме и на границе раздела многослойных структур типа металл-диэлектрик-полупроводник на

основе кремния, легированного тугоплавкими элементами" (01.01.07 - 31.12.08гг.), ОТ-Ф2-081 «Изучение закономерностей дефектообразования в монокристаллическом кремнии с примесно-дефектными ассоциатами и динамических процессов формирования скрытых границ раздела полупроводник - диэлектрик» (01.07.07-31.12.11гг.); ЁФ-2-08 «Изучение влияния радиации на образование и отжиг дефектов в кремнии и кремниевых многослойных структурах с примесями редкоземельных элементов» (01.07.10-31.12.11гг.) и ЁФ-2-13 «Влияние примесей подгруппы титана на электрофизические свойства кремниевых структур» (01.01.16-31.12.17 гг.).

**Целью исследования** является комплексное исследование с помощью емкостной спектроскопии электрофизических свойств Si, легированного примесями некоторых тугоплавких элементов (ТПЭ), в частности, атомами Hf, Ti и Zr, их взаимодействия с другими электроактивными и электронейтральными примесями в кремнии, влияния этих примесей на свойства кремниевых структур типа металл-диэлектрик-полупроводник (МДП).

Для достижения поставленной цели необходимо было решить следующие **задачи**:

исследовать электрофизические свойства образцов Si, легированных тугоплавкими элементами – Hf, Ti, Zr как диффузионным путем, так и при выращивании из расплава;

идентифицировать глубокие уровни, создаваемые примесями гафния, титана и циркония и определить их энергетический спектр;

изучить влияние атомов ТПЭ на процессы термического дефектообразования в кремнии;

исследовать влияние атомов Zr, Ti и Hf на образование радиационных дефектов в кремнии, облученном  $\gamma$ -квантами  $^{60}\text{Co}$ ;

исследовать взаимодействие атомов тугоплавких элементов с технологическими примесями (кислородом углеродом), а также с дополнительно введенными электроактивными и электронейтральными примесями в кремнии;

изучить влияние атомов тугоплавких элементов на параметры кремниевых структур типа металл-диэлектрик-полупроводник.

